O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
4 сентябрь
ШАНБА

№ 70
(12.290)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ








## ХОНОБОДДА ЯНГИ МАКТАБ

**Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида 305 ўринли 47-ўрта таълим мактаби қурилиб, мустақиллик байрами арафасида янги ўқув йилига тахт қилинди. Болалар энди узоққа қатнамай, ўз маҳаллаларидаги шинам мактабда таълим оладилар. Мактабда 25 нафар олий маълумотли ўқитувчи болаларга дарс беради. Тантанада сўзга чиққанлар қишлоқ болалари шундай шинам, барча шароитларга эга мактабда билим олаётганидан мамнун эканликларини айтиб, қурувчи ва ҳомийларга миннатдорчилик билдиришди.**

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

СУРАТЛАРДА: янги мактабда оддий дарс кунлари бошланди.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!

# ШУ КУНИ ТАКРОР ЯЙРАДИ ДИЛЛАР

**Бугун юртимизнинг ҳар гўшасида байрам таровати кезмоқда. Халқимиз ўзининг асрий орзулари ушалган эрк ва озодлик кунини муносиб тантана қилмоқда. Вилоятимизда ҳам энг улуғ, энг азиз айём катта хурсандчилик билан нишонланди. Байрам шодиёналари Вилоят маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтди.**

Бу шундай фазилатли айёмки, барчамиз ҳар гал уни нишонлаш кезларида ортимизга, босиб ўтган йўлимизга беихтиёр назар ташлаймиз. Тарих учун бир лаҳзалик бўлган 19 йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга боқиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ва яратувчилик, ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, халқимиз ўз ҳаёти, ўтган кунидан рози бўлиб яшаётгани замирида мустақиллик бераётган бетимсол имкониятлар турганини кўришимиз шубҳасиз.

Чиндан ҳам истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган ютуқларни санаб адоғига етиш мушкул. Аслида бу муваффақиятларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида, оиласида, фарзандлари тақдирида кўриб, ҳис этиб яшамоқда. Бинобарин, бу сафарги истиқлол тантаналари Юртбошимиз илгари сурган эзгу ғоя – "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" шиори остида нишонланиши бежиз эмас. Унинг замирида инсон манфаатлари, унинг тинчлиги ва осойишталиги, эрки, шаъни ва қадр-қимматини олий қадрият мақомига кўтаришдек улуғвор мақсад мужассамдир.

Не бахтки, истиқлол туфайли юз бераётган асрий ўзгаришлар вилоятимиз аҳли ҳаётига ҳам бевосита дахлдор. Ҳар йили бу қутлуғ санани муносиб ютуқлар, айтса, фахрланса арзигулик зафарлар билан қарши олаяпмиз. Шаҳар ва қишлоқларимизда янгиланиш, бунёдкорлик нафаси ҳукмрон. Айтайлик, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ туманларида байрам туҳфаси сифатида қад ростлаган замонавий касб-ҳунар коллежларида эртамиз давомчилари учун яратилган шарт-шароитлар кўрган кўзни қувонтириши аниқ. Тошкент, Зангиота, Қибрай туманларига кўрк бўлиб тушган гузар ва хиёбонлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари аллақачон аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги деҳқонларимиз учун ҳам изли-қутли келди. Ғаллакорларимиз ҳосилига барака ёғилди, эл-юртимиз хирмони донга тўлди, фермерларимизнинг топган-тутганига барака кирди. Аввало, она табиатимиз саховати, қолаверса уста, омилкор пахтакорларимизнинг саъй-ҳаракати билан бугун далаларимизда ҳар йилгидан мўл ва эртаки ҳосил етиштирилмоқда.

Албатта, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида қилинган ҳар қандай меҳнат, фидойилик ўз эътирофини, муносиб баҳосини топади. Қувонарлиси, шу қутлуғ айём арафасида Юртбошимиз Фармонига кўра 22 нафар вилоятдошимиз мамлакатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлди.







Ёшларимиз эришаётган марралар ҳам алоҳида фахр этгулик. Байрам арафасида Польшанинг Познань шаҳрида дунёнинг манаман деган 71 давлатидан спортчи иштирок этган жаҳон биринчилигида вилоятимиз фарзанди, эндигина 23 ёшга тўлган маҳоратли каноэчи Вадим Меньков олтин ва бронза медалларни қўлга киритиб, юрт тўйига муносиб тўёна ҳозирлади. Яна бир иқтидор эгаси – бўстонлиқлик умидли раққоса Нигина Шораҳмедова мамлакатимиз Президентининг ёш истеъдодлар учун таъсис этган "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлди. Куни кеча Миллий боғда ўтган асосий байрам тантаналарида Нигина жозибадор рақслари билан иштирок этиб, олқиш олди. Буларнинг бари вилоятимизда чинакам баркамол авлод вакиллари вояга етаётгани, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний салоҳияти беқиёс даражада юксалиб бораётганидан далолат беради.

Вилоятимизнинг файзли байрам кечасида мана шу ютуқлар бирма бир тилга олиб ўтилди. Тўкин дастурхон атрофида вилоятимиз фаоллари, нуронийлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлардан келган меҳмонлар жамулжам бўлдилар. Йиғилганларни вилоят ҳокими, шу қутлуғ сана муносабати билан Президентимиз томонидан "Дўстлик" ордени билан мукофотланган Рустам Холматов самимий муборакбод этди.

Давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар алоҳида қутланди. Шунингдек, ёрқин истеъдоди билан фан-таълим, маданият ва санъат ҳамда спорт йўналишларида алоҳида ютуқларга эришиб, тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшлардан 12 нафарига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғаси – замонавий компьютер жамламалари тортиқ этилди.

– Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини бир умр алоҳида мамнуният билан эслаб юрадиган бўлдим, – дейди "Маҳалла" хайрия жамғармаси Олмалиқ шаҳар бўлими раиси Мархия Шоматов. – Сабаби – Юртбошимиз Фармонига мувофиқ "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирландим. Ҳалол меҳнат қадрланадиган, инсон омили ҳамиша азиз бўлган юртга хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Майдон узра жажжи болажонларнинг беғубор кулгуси, шўх-шодон қўшиқлари янгради, жозибадор рақслар ижро этилди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир юрт муҳаббати, эрк ва озодлик тараннум этилган самимий шеърларидан ўқиди. Вилоятимиздан етишиб чиққан таниқли хонандалар қатори пойтахтдан ташриф буюрган санъат усталарининг чиқишлари даврага алоҳида файз бағишлади.



**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

СУРАТЛАРДА: байрамдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД, Еркебой БОТИРОВ ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

**Ўртачирчиқ туман маънавият-маърифат марказида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

## ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги фармони ижроси доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танлов ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли кредит маблағлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган 40 дан ортиқ йигит-қиз ўз бизнес-лойиҳалари билан иштирок этди. Ёшлар асосан компьютер хизмати кўрсатиш, тил ўрганиш ва кутубхоначилик хизмати, балиқчилик, чорвачилик, гул етиштириш каби соҳаларни ривожлантириш бўйича ўзларининг қулай ва фойдали таклифларини тақдим этишди.

Ёшларнинг кўплаб ташаббуслари, юқори самарали иш режалари, соҳа ривожи учун билдирилган таклифлари қўллаб-қувватланди. Айниқса, танлов доирасида мутахассислар иштирокида ўтказилган "Бизнес-лойиҳалар" семинар-тренингда ёшлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Танлов натижаларига кўра, уч нафар ёшларнинг лойиҳалари энг яхши деб топилди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".**

## «ТУРОН» КИТОБХОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

### Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида "Турон" ахборот-кутубхона марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди

Тошкент вилояти "Турон" ахборот-кутубхона маркази янги бинода ўз фаолиятини бошлагани бу йўналишдаги эзгу ишларнинг амалдаги яна бир тасдиғидир. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирга ахборот-ресурс марказлари ходимлари, маънавият тарғиботчилари, олимлар, ўқитувчилар ва талаба-ёшлар таклиф этилди.

"Турон" кутубхонаси ўтган аср бошида илғор фикрли зиёлиларимиз томонидан ташкил этилган. Бугун мазкур маърифат маскани салкам 400 мингга яқин китоб жамғармасига эга. Улар орасида атоқли олимлар, ёзувчи ва шоирларнинг дастхатлари битилган китоблар, нодир қўлёзмалар, миллий матбуотимиз тарихига оид газета ва журналлар кўп.

Янги бинода иш бошлаган ахборот-кутубхона марказида муҳандислик-коммуникация тизимлари тўлиқ янгиланди. Каталог ва картотекалар зали, маънавият ва маърифат, ахборот-кутубхона ҳужжатларини сақлаш, мутолаа, компьютер хоналари барпо этилди. Махсус техника хавфсизлик воситалари ёрдамида китобларни узоқ, сифатли ва ишончли сақлаш учун етарли ёруғлик, намлик ва ҳаво ҳарорати таъминланди. Автоматлаштирилган тизим орқали зарур адабиётларни тез ва осон топиш мумкин. Айни пайтда кенг ва шинам ўқув хоналарида китобхонларнинг зарур манбалардан фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилган. Ўқувчиларнинг илмий-маърифий ахборотга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида "Миллий матбуот саҳифаларида" маълумотлар базаси ва электрон каталог тузила бошланди. Ҳуқуқий-иқтисодий адабиётлар жамланган китоб фондига эга "Ҳуқуқий ахборот маркази" ташкил этилди, интернет тармоғига уланиш имконияти яратилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти

## МУСИҚА МАКТАБИ ЎЗГАЧА ҚИЁФАДА

**Бекобод, Зангиота, Янгийўл шаҳарларидаги мактаб, коллеж, лицейлар мустақиллик байрами арафасида қайта таъмирланиб, ўқувчилар юксак савияда билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди.**

Бекободдаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам режага кўра тамомила янгидан қурилиб, зарур асбоб-анжомлар билан таъминланди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ГИМНАСТИКАЧИЛАР МАРКАЗИ

**Пискент туманидаги «Дўнгқўрғон» маҳалласида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шиори остида аёлларни спортга жалб этиш мақсадида қишлоқ аёллари гимнастрадаси ўтказилди.**

Мусиқа садолари остида гимнастика машқларини бажараётган аёлларнинг жўшқин ҳаракатлари тадбир ўтказилаётган 17-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг бадиий гимнастика бўйича чиқишларига ҳам алоҳида руҳ бағишлади.

Мустақиллик байрами арафасида туман хотин-қизлар қўмитаси ва "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" уюштирган гимнастрада иштирокчилари сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Яқинда бадиий гимнастика бўйича иккита марказ ташкил этилди. Барча шароитларга эга бу марказ қатнашчиларига спорт устаси Зуҳра Бусинова мураббийлик қилмоқда.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

## АЗИЗДИРСАН, МЕН УЧУН ВАТАН

**Жаннатмакон диёримизнинг барча гўшаларида мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиёналари ҳамон давом этмоқда.**

Шундай тантаналардан бири вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказида "Азиздирсан, мен учун Ватан" мавзусида ўтказилди.

Тўкин дастурхон атрофида марказда даволанаётган беморлар, ишчи-ходимлар йиғилди. Ватанимиз 19 йил давомида эришган ютуқлар, юртимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга яратилган қулайликлар, имкониятлар, шарт-шароитлар ҳақида фахр билан гапирдилар.

Тадбир давомида узоқ йиллардан бери фидокорона хизмат қилиб келаётган ходимлар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Муҳаббат АБДУҚОДИРОВА.**

## СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ

**Оҳангарон тумани ҳокимияти ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Қорахитой қишлоғидаги 12-ўрта таълим мактабида "Отам, онам ва мен" деб номланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди.**

Унда қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий мусобақаларида ғолиб чиққан оилавий жамоалар иштирок этишди.

Сусам қишлоғидан Абдуқодировлар, теловлик Эшонқулов, увақлик Умрзоқов, кўксаройлик Жуманов, ойбулоқлик Жанаев, тутлик Усвалиев ва қорахитойлик Пардаевлар оиласи куч синашишди.

Совринли ўринларни Эшонқулов, Пардаев ва Абдуқодировлар оиласи банд этди.

Спорт ўйинларини ногиронлар шахмат-шашка тахталарида давом эттирдилар.

Қизлар ўртасидаги баҳсда 3-ўрин М. Ашуралиевага насиб қилган бўлса, иккинчи ва биринчи ўринларга И. Абдурохатова ва Х. Абдураҳмонова сазовор бўлишди.

Ўғил болалар ўртасида биринчи ўринга Билол Йўлдошев муносиб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Ш. Назаров ва И. Рашидов эгаллашди.

Тадбир мусобақа ғолиблари ва қатнашчиларига туман маданият ва спорт ишлари бўлими туман хотин-қизлар қўмитаси, "Миллий тикланиш" партияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда туман ногиронлар жамиятининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

2011
йил учун
ОБУНА
бошланди
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси –
205.



